

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА МУХТАСАР ОДИЛЖОН ҚИЗИ

**“БОБУРНОМА” МАТНИ ТАРЖИМАЛАРИДА АНТРОПОНИМ ВА
ТОПОНИМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

(“Бобурнома” матнининг инглизча таржималари мисолида)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Муминова Мухтасар Одилжон қизи

“Бобурнома” матни таржималарида антропоним ва топонимларнинг
лингвокультурологик хусусиятлари (“Бобурнома” матнининг инглизча
таржималари мисолида) 5

Муминова Мухтасар Одилжон қизи

Лингвокультурологические особенности антропонимов и топонимов в
переводах текста “Бабурнама” (на примере английских переводов текста
“Бабурнаме”) 29

Muminova Mukhtasar Odiljon qizi

Linguocultural Features of Anthroponyms and Toponyms in Translations of
“Baburname” (On the example of English translations of the text
“Baburname”) 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

The list of published works 59

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА МУХТАСАР ОДИЛЖОН ҚИЗИ

“БОБУРНОМА” МАТНИ ТАРЖИМАЛАРИДА АНТРОПОНИМ ВА
ТОПОНИМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

(“Бобурнома” матнининг инглизча таржималари мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil1821 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университетининг веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Улуқов Носиржон
филология фанлари доктори, профессор

Абдувалиев Мухаммаджон Арабович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг “_____” _____2021 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30 e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14.

Диссертация автореферати 2021 йил “_____” _____куни тарқатилди.
(2021 йил “_____” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Шахабитдинова Ш.Х.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Усмонов Ф.Ф.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш
илмий котиби, ф.ф.ф.д.

Умарходжаев М.Э.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиёти ва манбашунослигида муҳим ва ноёб ёдгорлик, мемуар ва тарихий-илмий асарлар талайгина бўлиб, бу каби асарларнинг мазмун-моҳияти янги анъаналарни яратиш, ҳар бир миллат адабиётининг муҳим фазилатларини кўрсатишдан иборатдир. “Бобурнома” жаҳон адабиёти ва тарихида ўз ўрнига эга бўлган мемуар асар ҳисобланади. Асарнинг жаҳон миқёсида машҳур бўлишининг асосий сабаби, ундаги воқеаларнинг тарихий жиҳатдан аниқлигигина эмас, бу мемуар асарнинг ўзбек халқининг жаҳондаги бошқа халқлар билан адабий-маданий алоқалари тарихини тадқиқ этиш ва бой илмий фактларга эга мустаҳкам илмий ва бадиий асосда яратилганидир. Бу асар нодир тарихий манба бўлиш билан бирга, илм фаннинг турли соҳаларини қамраб олувчи қомусий китоб ҳамдир. Унда Бобур яшаб ижод қилган даврнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, шу даврда яшаб ижод этган шоирлар, тарихий шахслар ва худудлар географияси, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва номлари ҳам бадиий шаклда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

“Бобурнома” матнининг қўлёзма нусхалари ва таржималари дунёнинг кўплаб кутубхона ва музейларидан ўрин олгани, хорижий тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортганлиги ҳам асарнинг оламшумул аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. “Бобурнома” бўйича олиб борилган тадқиқотлар салмоғи асарнинг қимматини белгилайди. “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топоним таржималарининг лингвокультурологик ва прагматик хусусиятларини ёритиб бериш, ҳамда уларни инглиз тилига адекват таржима қилиш муаммолари таржимашуносликдаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дунё адабий жараёнида “Бобурнома” – ўзига хос тарихий ҳужжат ва муҳим аҳамиятга эга бўлган меросдир. Унда XV аср охири – XVI аср бошларида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда юзага келган сиёсий вазият батафсил баён қилинган. “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар таржималарининг лингвокультурологик, прагматик хусусиятлари, уларни таржима қилиш мезонларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бобур ва бобурийларнинг жаҳон адабиёти ва тарихига муносиб тарзда қўшган ҳиссаларини илмий асослаш, “Бобурнома” матни таржималарини ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш эътиборга моликдир.

Республикамизда бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар даврида адабиёт ва маънавият давлат сиёсати даражасидаги масалалардан бўлиб турибди. Жаҳондаги мамлакатлар билан турли соҳаларда ўзаро алоқалар тобора самарали бўлиб келаётган пайтда ҳар бир миллатнинг қиёфасини белгиловчи мезонлардан бири бўлган бадиий адабиёт ва таржимани ўрганиш ўша халқнинг турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, руҳияти билан боғлиқ билимларни оширишда муҳим мезондир. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳасида илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлардандир. Ушбу стратегик вазифалар адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳасида ҳам чуқур изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117 Ўзбекистон республикасида “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сермахсул ижодий меросларидан бири “Бобурнома” матнини ўрганиш, асарнинг таянч манбаларини аниқлаш, оммалаштириш ва хорижий тилларга таржималарини махсус илмий тадқиқ этишда инглиз мутахассислари Ж.Лейден, У.Эрскин, Л.У.Кинг²; Р.М.Калдекот, Ф.Г.Талбот,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил. 8 февраль. №28 (6722).

²King L, Leyden J. & Erskine W. Memoirs of Zehir-ed-Din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan. – London, 1826. Annotated and revised ed. by L.King, 2 Vols., – Milford, 1921. 480 p.

С.Лейн-Пуул¹, Э.Холдэн, М.Элфинстон, Г.М.Эллиот, А.Денисон Росс², В.Х.Мореланд, А.С.Бевеиж³, Х.Бевеиж, америкалик Х.Лэмб⁴, У.Тэкстон⁵; французлардан А.де Лонг-Перь, А.Ж.Клапрот, Ж.Дранжете, Паве де Куртейл⁶, Жан-Поль Ру, Луи Базен, Жан-Луи Бакье Граммонлар⁷; голланд Витсен, немис Юлиус фон Клапрот, А.Кайзер, В.Штаммлер; испан Мерсе Комас хоним, ҳинд Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, Муни Лаъл, С.П.Шарма⁸, Р.П.Трипатҳи, П.Саран, Муҳиббул Ҳасан; афгон Аҳмад Али Кўхзод, Абдулҳай Ҳабибий, Шафиқа Ёрқин, Гулчин Маоний; уйғур Темур Ҳамит; турк Ҳ.Бойир, Рашит Раҳмати Арат, Билол Южел, МДҲда “Бобурнома” матни таржималари ва уларнинг прагматик хусусиятларини ўрганишда И.В.Стеблева, Г.Ф.Благова, М.Салье, А.Н.Самойлович, қозоқ Байузак Кожабек ўғли, туркман Р.Куренов каби шарқшуносларнинг ҳиссалари катта. Айниқса, япон олими Эйжи Манўнинг “Бобурнома” танқидий матнини тайёрлагани ва таржимаси билан чоп эттиргани алоҳида аҳамиятга эга⁹. Мамлакатимизда кўзга кўринган етук олимлардан А.Фитрат, П.Шамсиев, С.Мирзаев, С.Азимжонова, Ҳ.Ёқубов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, А.Абдуғафуров, Ғ.Саломов, Н.Комилов, С.Ҳасанов, Н.Отажонов, М.Умархўжаев, Ҳ.Қудратуллаев, Ҳ.Болтабоев, М.Холбеков, Ғ.Сотимов, А.Абдуазизов, Л.Хўжаева, Ғ.Хўжаев, С.Шукруллаева, Ф.Салимова, А.Иброҳимов, Р.Каримов, М.Собиров, З.Холманова, Д.Хошимова, Ш.Ҳайитов, И.Сулаймонов, З.Тешабоева, Д.Муҳаммадиева, М.Шарахметоваларнинг ишларида ушбу масалалар илмий-назарий жиҳатидан тадқиқ этилган¹⁰.

¹Lane-Poole. Babar. – Oxford, 1899. – P.260

²History of India. By Elliott and Dowson. – London, 1867. 190 p.

³Beveridge A.S. The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur), Translated from the original Turki Text of Zahiru'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette Susannah Beveridge, 2 Vols., – London, 1922; Repr. in one Volume, – London, 1969; – New Delhi, 1970; – Lahore, 1975. – 472 p.

⁴Harold Lamb. Babur the Tiger. – New-York, 1961. – 226 p.

⁵The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, edited, and annotated by Wheeler. M., Thackston. – New York & Oxford, 1996. – 460 p.

⁶Pavet de Courteille. A. Dictionnaire Turk-Oriental, – Paris, 1870. 230 p.

⁷Bacque - Grammont J.L. Le livre de Babur. – Paris, 1980. 238 p.

⁸Sharma S.R. A Bibliography of Mughal India (1526-1707 A.D.). – Bombay, 1990. 154 p.

⁹Eiji Mano. Bābur-nāma (Vaḡāyi). Critical Edition Based on Four Chaghatay Texts with Introduction and Notes. – Kyoto, Shōkadō, 1995. 630 p.

¹⁰Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. – Тошкент: Ўздавнашр, 1928. – Б.43; Бобир. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар С.Азимжонова, А.Қаюмов. – Тошкент: 1958; Бобир. Асарлар / Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев. Уч жилдлик. – Тошкент: Фан, 1965-1966; Бобир. Бобирнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент, 1960; Бобир. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.241; Бабур. Трактат об арузе / Под. ред. И.Стеблева. – М.: 1972; Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. – М.: 1983. – С.328; Благова Г.Ф. Характеристика грамматического строя (морфология староузбекского литературного языка конца XV века по Бабурнаме). Дисс. ...канд.филол.наук. – М.:1954; ўша муаллиф. Бабурнаме язык, прагматика текста, стил. – М.: 1994, 404 с.; Бабурнаме. Записки Бабура/ Перевод М.Салье. – Ташкент: Акаднауқ, 1958, ўша муаллиф. Из узбекских классиков. –Ташкент: 1946; Самойлович А.Н. Собрание стихотворений императора Бабура. – Петербург, 1917; Бобур. Девон / Нашрга тайёрловчи А.Абдуғафуров. – Тошкент: Фан, 1994; Бобур. Мубаййин / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент, 2001. – Б.182; Ҳ.Ёқубов. Бобир. – Тошкент, 1941; Зоҳидов В. Бобирнинг фаолияти ва илмий-адабий мероси ҳақида // Бобир. Бобирнома. – Тошкент, 1960; Азимджанова С. Индийский диван Бабура. – Тошкент: Фан, 1966. – С.76; Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари. – Тошкент: Фан, 1983; Ҳасанов С. Бобурнинг Рисолайи аруз асари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б.274; Хайридин Султон. Бобурийнома. – Тошкент, 1996; Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажон Н. Жаҳонгашта Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1996; М.Умархўжаев. Халқ калбининг кўзгуси: Бобур Мирзо ватанида у билан боғлиқ обидаларни тиклаш, Бобур жамғармасини ташкил қилиш ҳақида//Коммунист. 1990, 14 март; Болтабоев Ҳ.

“Бобурнома”ни ўрганиш ва таржима қилиш тадқиқотчилар ва мутаржимларнинг матнга қайси жиҳатдан ёндашишларига боғлиқ. Ўзбек тадқиқотчиларининг юқорида тилга олинган илмий ишларида “Бобурнома” таржималари у ёки бу филологик мақсад ва муаммо нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлиб, ушбу тадқиқотларда асарнинг мазмуни, муайян парчанинг маъноси хорижий бирор-бир тилда қандай акс эттирилгани илмий ўрганилгани кузатилади. Аммо “Бобурнома” матнига айниқса, хос бўлган бир жиҳат – сўзларнинг маъно товланишларига деярли эътибор берилмайди. М.Холбеков¹, Н.Отажонов² ва С.Шукруллаева³ларнинг ишларида асосан бадий наср намунаси сифатида ёндашилиб, ўртага қўйилган илмий муаммолар шу жиҳатлардан ёритилган бўлса, Л.Хўжаева⁴ диссертациясида айна масалалар асарнинг русча таржимаси мисолида, Ғ.Хўжаев⁵ тадқиқотига эса асарнинг олмон тилидаги таржимасини асосий манба қилиб олди. Ф.Салимова⁶ таржимада луғат масаласи ҳамда асарнинг французча таржимасини тадқиқ этган, Ҳ.Назарова “Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат” тузди⁷, А.Иброҳимов “Бобурнома” асаридаги ҳиндча сўзларни тадқиқ этган⁸, М.Собиров⁹ матнда кўзда тутилган маъно, уни тўғри тушуниш ва қай даражада тўғри ёритишни таҳлил этган бўлса, Р.Каримов¹⁰ “Бобурнома”даги шеърӣ таржималар муаммоси билан шуғулланган, Д.Хошимова “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг

Мумтоз сўз кадри. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б.138; Эрскин У. Ҳиндистонда Бобур давлати /Инглиз тилидан Ғ.Сотимов таржимаси. – Тошкент, 1997; Шарма П. Бобурийлар салтанати / Инглиз тилидан Ғ.Сотимов таржимаси /. – Тошкент, 1998. – Б.168; Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2009; Хошимова Д. Бобурнома асарининг танкидий матнини яратиш муаммолари (ўзбек, инглиз ҳамда Бобурнома танкидий матнининг япон нашрлари мисолида). Филол.ф.н. ...дисс. – Тошкент, 2006. 170 р., Тешабоева З. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Фал.фан. филол. фан док. ... дисс. – Т: 2017, Ҳайитов Ш.Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар киёсий таҳлили). Фал.фан. филол. фан док. ... дисс. – Т: 2018, И.Сулаймонов. “Бобурнома”да ғолиб ва мағлуб шахс руҳий ҳолатининг бадий тасвири. Филол.фан. док. ... дисс. – Т.:2020, Д.Мухаммадиева. “Бобурнома” туркча таржимасида паремияларнинг киёсий тадқиқи. Фал.фан. филол. фан док. ... дисс. – Т: 2021, Шарахметова М. “Бобурнома”нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этиши”. Филол. фан. фал док. ... дисс. – Тошкент, 2021. – Б- 166.

¹Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критки и восприятия). Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Ташкент, 1991. 260 с.

²Отажонов Н. Бадий таржима ва илмий шарҳ. Филол. фан ном. ... дисс. – Тошкент, 1978; ўша муаллиф. Бобурнома жаҳон адабий жараёнида. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1994. 275 б.

³Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия “Бабурнаме” в его английских переводах. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. 145 с.

⁴Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста “Бабурнаме”. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Андижан, 1985. 154 с.

⁵Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык. Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. 156 с.

⁶ Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики Восточно-тюркского словаря Павле де Куртейля и переводов Бабурнаме. КД. – Ташкент, 1997. 167 с.

⁷ Назарова Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1972.

⁸ Иброҳимов А. “Бобурнома”даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2001. 170 б.

⁹Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг киёсий таҳлили асосида). Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002. 135 б.

¹⁰ Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг киёсий таҳлили. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2003. 150 б.

инглиз тилига таржималари тадқиқини¹, З.Тешабоева “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларнинг когнитив ва лексикографик тадқиқини², И.Сулайманов “Бобурнома”да ғолиб ва мағлуб шахс рухий ҳолатининг бадиий тасвирини³, Ш.Ҳайитов “Бобурнома”нинг туркча таржималари тадқиқини⁴, Д.Мухаммадиева “Бобурнома”нинг туркча таржималаридаги парамияларни⁵, М.Шарахметова “Бобурнома”нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этишини⁶ ўрганган.

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар таржималарининг лингвокультурологик ва прагматик жиҳатлари, антропоним ва топонимларнинг таржимада акс этиш муаммолари ҳамда антропоним ва топонимлар таржималарининг прагматик мувофиқлик ва номувофиқликда амалга оширилганлиги жиҳатидан ҳозиргача чет эл ва ўзбек олимлари томонидан ўрганилмаган ва ушбу мавзу бўйича махсус тадқиқот иши олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Наманган муҳандислик-технология институтининг “Мумтоз асарлар таржималарини қайта яратиш тамойилари” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади улуғ ижодкор Заҳириддин Муҳаммад Бобур бадиий маҳорати ва “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг лингвокультурологик ва прагматик хусусиятлари қай даражада инглиз таржимонлари Лейден-Эрскин, А.Бевериж ва В.Текстон таржималарида амалга оширилганлигини таржимашунослик нуқтаи назаридан очиб беришдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг лингвистик нуқтаи назардан таснифлаш ва лексик-семантик жиҳатидан таҳлил қилиш;

Антропоним ва топонимларнинг лингвокультурологик хусусиятларини очиб бериш;

Антропоним ва топонимлар таржималарининг прагматик мувофиқлик ва номувофиқликда амалга ошишини кўрсатиб бериш;

“Бобурнома” матнидаги антропонимлар таржималарда акс этиши хусусида хулосалар чиқариш;

¹Хошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филол. фан. док. ... дисс. – Т.: 2018. 265 б.

²Тешабоева З. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Фал.фан. филол. фан док. ... дисс. – Т.: 2017. 275 б.

³Сулаймонов И. “Бобурнома”да ғолиб ва мағлуб шахс рухий ҳолатининг бадиий тасвири. Филол.фан. док. ... дисс. – Т.:2020. 178 б.

⁴Ҳайитов Ш.Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили). Фал.фан. филол. фан док. ... дисс. – Т.: 2018. 145 б.

⁵Мухаммадиева Д. “Бобурнома” туркча таржимасида паремияларнинг қиёсий тадқиқи. Фал.фан. филол. фан док. ... дисс. – Т.: 2021. 134 б.

⁶Шарахметова М. “Бобурнома”нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этиши”. Филол. фан. Фал док. ... дисс. – Тошкент, 2021. – Б- 16б.

“Бобурнома” матнидаги топонимларнинг инглиз тилида акс эттириш усуллари ёритиш;

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг таржима қилиш мезон ва тамойилларини белгилаш;

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларни таржималарда адекват амалга ошириш усуллари аниқлашдир.

Тадқиқотнинг объектини “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг Лейден-Эрскин, А.С.Бевеиж ва В.Текстонлар томонидан амалга оширилган таржималари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг инглиз тилига таржимасининг лексик, семантик, прагматик ва лингвомаданий хусусиятларини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда қиёсий-тарихий, тавсифий, чоғиштира, прагматик, таҳлил ва статистик тадқиқот методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар таржималарининг лексик, семантик, синтактик-стилистик, прагматик ва лингвомаданий жиҳатлари таржимашуносликнинг адекватлик хусусияти асосида очиб берилган;

антропоним ва топонимларнинг ўзбек тилидан инглиз тилига транслитерация, тасвирий, трансформацион, калька усуллари орқали амалга ошганлиги асосланган;

антропоним ва топонимлар таржималарини қайта яратишда аниқлик мезони ва қиёсий тасвирлаш тамойиллари аниқланган, антропоним ва топонимларнинг миқдор устуворлиги кўрсатилган;

антропоним ва топонимлар таржимаси прагматик мувофиқлик ва прагматик номувофиқликда амалга оширилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг инглиз тилидаги таржималари бўйича ўрганиш, антропоним ва топонимларнинг атамашунослик тамойилларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Мумтоз адабиёт намуналарида антропоним ва топонимларнинг таржима матнларида акс эттириш тамойиллари ҳамда таржималарни амалга оширишда қандай йўл тутиш кераклиги бўйича фикрлар ва таклифлар берилган;

Таҳлил қилинган материаллар асосида “ўзбекча-инглизча антропоним ва топонимлар” таржималари таҳлили келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фактик тил материали ва полиграфик ҳамда электрон нашр маҳсулотларидан олинганлиги ва ушбу хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, таржима таҳлили қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил қилиш методлари асосида олиб

борилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан таржимашунос, тилшунос, адабиётшунос ва тарихчилар амалий ва илмий изланишларида манба сифатида фойдаланишлари мумкин. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар “Бобурнома” матни бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар учун, Бобур энциклопедиясининг тўлиқ вариантыни тайёрлашда, хорижда ўрганилаётган илмий-тадқиқотларни ўрганиш ҳамда ўзбек мумтоз адабиётида қўлланилган антропоним ва топонимлар асосида қўлланмалар тузишда, уларнинг таржималарини яратишда манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертация материалларидан таржима назарияси ва амалиёти, таржиманинг лингвомаданий асослари учун дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг лексик-семантик, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини қиёсий типологик тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг лингвистик талқини, уни тилшуносликка қўшган улушлари ва аҳамиятли жиҳатларига алоқадор материаллардан АМ-FZ–201908172-рақамли “Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги 2021 йил 20 сентябрдаги 03-06/3-2596-сон маълумотномаси). Натижада “Бобурнома” матидаги антропоним ва топонимларнинг лингвистик тадқиқи, тил тараққиётига қўшган ҳиссалари ва тилнинг деривацион вазифаларини аниқлашга катта имконият яратиш билан бирга унинг муаммоларини ёритишга хизмат қилган;

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларни таржима қилиш муаммолари ва уларнинг лингвокультурологик ҳамда прагматик хусусиятлари тўғрисида шунингдек мумтоз асарларини таржима қилиш тамойилларига оид илмий хулосалардан Туркия Тикарет университетининг Гуманитар ва ижтимоий фанлар факультети талабаларига Бобур ва унинг ижоди ҳамда “Бобурнома” матни таржималари, “Бобурнома”даги антропоним ва топонимга оид илмий мақолалар, материаллар университет талабалари, магистрантлари ва “Бобурнома” асрининг хорижда ўрганилиши ҳамда унинг лингвокультурологик хусусиятлари ҳақида маълумот беришда фойдаланилди (Туркия Тикарет университетининг 2021 йил 17 сентябрдаги 1-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар таржима жараёнида тилларга доир миллий-маданий хусусиятлар муаммосини ечишга ва уларни таржима қилиш усулларини ёритиб беришга, “Бобурнома” асарининг хорижда ўрганилиши ҳамда лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга асос бўлиб хизмат қилган;

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда уларнинг таржималарига оид илмий хулосалардан 2015-

2017 йилларда амалга оширилган М/УЗБ-КНР-2015/29 рақамли “Robei-Chip Design Platform” номли халқаро лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги 2021 йил 20 сентябрдаги 03-06/3-2595-сон маълумотномаси). Техник соҳалар бўйича таржималарни амалга оширишда, ушбу фанларини ривожда таъсир доирасига эга эканлиги ушбу лойиҳа доирасида тайёрланган материалларга манба бўлиб хизмат қилган;

“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг прагматик хусусиятлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг антропоним ва топонимларни ифодалашдаги таҳлилий фикр ва назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston tarixi” телеканалининг “Мавзу” ва “Тақдимот” кўрсатувларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётини ёритиш, “Бобурнома” матни таржималаридаги изоҳ ва шарҳлар, таржима матнлари ҳақидаги материалларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 21 сентябрдаги 01-40-1571-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича республика ва хориж журналларида жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола (5 та республика, 3 та хориж) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг Кириш қисмида илмий тадқиқот мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган бўлиб, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, диссертациянинг илмий янглилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар тадқиқотининг илмий-назарий асослари** номли бобида “Бобурнома” матнидаги антропонимларнинг лингвистик таснифи ва “Бобурнома” матнидаги топонимларнинг лексик-семантик тавсифи ҳақида маълумот берилади.

“Антропонимлар (шахснинг исми, лақаби ва тахаллуси) ўзбек халқининг қадимий маданий-маънавий ҳамда лисоний қадриятларидан биридир”¹,

¹Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент, Фан нашриёти, 2013. – Б.3.

тилшунос олим Э.Бегматов шундай таърифлайди. Дарҳақиқат, антропонимлар тил луғат таркибида ўз хусусиятига кўра лингвистик тасниф асосида ўз ўрнига эга бўлиб, тизимий хусусиятларини қамраб олади. Жумладан, атоқли отлар системасига кирувчи антропонимлар ўз навбатида бошқа майда системаларга бўлинади. Булар қуйидагилар: 1.Исмлар; 2.Фамилиялар; 3.Ота исмлари; 4.Тахаллуслар; 5. Лақаблар.

Антропонимлар ўзбек тили лексик системасида аҳамиятга эга бўлиб, улар кишиларни юқорида кўрсатилган бешта майда лингвистик системаларни ўз ичига қамраб олади. Антропонимлар лингвистик жиҳатдан фақат унгагина хос бўлган индикаторлар мавжудлиги билан ҳам характерланиб туради. Антропонимлар лингвистик тасниф бўйича семантик, услубий ва ясаиш хусусиятларига эга бўлиб, бошқа лексик бирикмалардан ажралиб туради. Антропонимлар илмий, назарий ва бадиий асарларда ўз инъикосини топади. “Бобурнома” матнидаги антропонимлар ва уларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти ҳақида бир қатор олимларнинг илмий тадқиқот ишларида фикр билдирилган. Жумладан, Г.Ф.Благова¹, Н.Отажонов², Д.Хошимова³, М.Ҳасанова⁴, Н.Ҳусанов ва Н.Эркаев⁵, О.Жўрабоев⁶ ва бошқалар.

“Бобурнома”да антропонимларнинг берилиши Бобур сўз юритмоқчи бўлган шахс ҳақидаги фикрни ифодалаб, бобурога соддалик ва равонлик билан айнан ифодалаб бериш – муаллифга хос маҳоратдир. Киши исmlарини тадбил тилида бериш ҳам мушкул вазифа ҳисобланади. Чунки Бобур тилга олган тарихий шахсларнинг номлари, феъл-атворлари, ҳатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб уларнинг номларини атайди.

“Бобурнома” матнида Султон Аҳмадхон ҳақида шундай дейилади: *“Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эдиким, Олачахонга машҳурдир. Олачахон (олачанинг вазҳи тасмияси мунн дерларким, қилмоқ ва мўзул тили била ўлтурсгучини олачи дерлар). Қалмоқни неча қатла босиб, қалин кишисин қиргон учун олачи де-де касрати истиъмол била Олача бўлбтур”*⁷. Муаллифнинг маълумотига кўра Султон Маҳмудхоннинг укаси Султон Аҳмадхон бўлиб, у Бобур хизматдаги хонлардан бири бўлган. “Бобурнинг тоғаси Юнусхоннинг иккинчи ўғли. Замондошлари Олачахонни кичик хон акаси Султон Маҳмудхонни эса улуғ хон ҳам деганлар. Шайбоний ўзбеклари Олачахонни Ўлжахон деб аташган. Бобур унинг қалмоқлар ва бошқа қабилалар устидан кетма-кет ғолиб бўлгани учун “Олочихон” (Ўлдиргувчи хон) деб аталгани ва бу лақаб халқ оғзидан Олачахонга айланиб

¹ Благова Г.Ф. Рец. на “Миниатюры рукописи Бабур-намэ”. – Москва, 1962. – С. 187-189.

² Отажонов Н. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент, 1996. 365 б.

³ Хошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Док. дисс.... – Тошкент, 2018. 265 б.

⁴ Ҳасанова М. “Бобурнома”да киши номларини ифодаланиши. Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Андижон, 1993. – Б.106-107.


⁵ Ҳусанов Н ва Эркаев Н. “Бобурнома” асарида айрим ономаларнинг изоҳланиши”. Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Андижон, 1993. – Б.100-102.

⁶ Жўрабоев О. Шоҳий – тахаллуси: асл номи Султон Маъсуд Мирзо Шоҳий. – Тошкент, 2013 – Б.77-80

⁷ Захириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2002. – Б.178 (“Бобурнома”га оид барча иқтибослар шу манбадан олинади. Асар саҳифалари қавс ичида (Бобурнома 40) шаклида кўрсатиб борилади).

кетганини ёзган”¹. Демак, Бобур Султон Аҳмадхонни таснифлар экан, уни моҳир хонлардан бири эканлигини кўрсатиб, жанрларда кўп кишиларни ўлдиргани, бу жиҳатдан бошқа хонлардан фарқли эканлигини, уддабурон, жанг сирларини яхши билувчи шахслигини ҳам таъкидлаб ўтади. Юқоридаги парчадан биргина Султон Аҳмадхонни нима учун “Олачахон” деб атаганлигини англаш билан биргаликда, шахс сифатида чакқон эканлиги, хон сифатида моҳирлиги, жангчи сифатида ҳар тарафлама етук эканлигини билишимиз мумкин.

“Бобурнома”нинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири антропоним ва топонимларнинг статистик таҳлилидир. Олимларимиздан Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, асарда бир мингдан зиёд жой номлари берилган². Р.Расулов “Бобурнома”да мингдан ортиқ географик номлар ва 1800 дан кўпроқ киши исмлари учрайди³ деб ёзади. Т.Нафасов аниқ рақамларни келтиради – “Бобурнома”да 1406 та киши исми, 1100 дан ортиқ жой номи қайд этилган⁴, Ҳ.Қудратуллаев⁵ эса “Бобурнома”даги киши исмларини 500 дан ортиқ дейди ва уларнинг сонини Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романидаги персонажларнинг сони билан тенглаштиради. Д.Хошимова⁶ эса 1560 дан зиёд зиёд антропоним ва топонимлар берилганлигини таъкидлаб ўтади. Кўриниб турибдики, “Бобурнома”да қўлланилган географик жой номлари ва киши исмларининг сони хусусида мутахассисларнинг фикри бир-биридан жиддий фарқ қилади. Биз эса, географик жой номлари 1253 ва киши исмларининг сони 1614 дан ортиқ эканлигини аниқладик.



¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: “Шарқ”, 2014 – Б. 40.

² Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос. –Т.: Ўзбекистон, 1983. – Б.18.

³ Расулов Р. Бобур – ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи. Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Андижон. 1993. – Б.44.

⁴ Нафасов Т. Бобур – номшунос. Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Андижон. 1993. – Б.39.

⁵ Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий-эстетик қарашлари. – Тошкент: Фан, 1983. 285 б.

⁶ Хошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Монография. – Тошкент: Мумтоз сўз. – 2017. 265 б.

Ишда Бобурнинг антропонимларни барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган таъриф ва таснифларини ўрганиб, асарда ҳар бир кишининг исмлари ва уларга боғлиқ бўлган таърифларни чуқур ва фалсафий жиҳатдан кўрсатиб берганлигига амин бўлдик.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли “Бобурнома” матнидаги топонимларнинг лексик-семантик тавсифи” деб номланган бўлиб, топонимларни ўз хусусиятларига кўра лингвистик, тарихий, географик топонимика шаклида тилшуносликда муҳим аҳамият касб этиши, уларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш, айниқса, семантик хусусиятларини ўрганиш, халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини, тилнинг тарихий тараққиёти ва такомилени ёритишда, номинатив, коммуникатив, аккумулятив функциялари моҳиятини ақс эттиришда аҳамиятли эканлиги ёритиб берилди.

“Бобурнома” матнидаги топонимларнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиб, бу борада илмий тадқиқот олиб борган хориж ва республикамиз олимлари талайгина. Жумладан, Н.Отажонов¹, М.Умархўжаев², С.Қораев³, Ю.Аҳмадалиев⁴, З.Холманова⁵, Н.Улуқов⁶, З.Тешабоева⁷, Д.Хошимова⁸. Н.Охуновнинг таъкидига кўра: “Топонимлар тилнинг сўз бойлиги бўлиб, ўзбек тилининг тарихий лексикаси ва диалектгологиясини ўрганишда, қолаверса, Ўзбекистон территориясида яшаган халқлар ва уларнинг тиллари ўртасидаги алоқаларни, муносабатларни аниқлашда катта аҳамият касб этади. Географик номларни тўплаш ва уларни илмий жиҳатдан ўрганиш тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади”⁹. Топонимлар берилаётган жой, манзара, шаҳар, географик жиҳатидан қулай имкониятга эгаллиги ва уларнинг шу территория тарихи билан боғлиқ ҳолда яратилиши бизга маълум. Топонимлар лингвистик жиҳатдан ўзига хос манзара касб этади. Чунки шу жойдаги табиий бойликлар, табиат, иқлим ва ҳоказолар ҳам топонимларнинг берилишида четда қолмайди.

“Бобурнома”да жой номлари ва киши исмлари шунчаки айтиб ўтилмайди, балки улар билан боғлиқ тасвирлар содда усулда тасвирланади. Турли ҳудудлар, географик кенгликлар, шаҳарларнинг географик координаталари аниқ кўрсатилгани эса, “Бобурнома” матнининг илмий қимматини янада ошишига сабаб бўлади.

¹Отажонов Н. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент, 1996. 362 б.

²Умархўжаев М., Азамов О. Немисча-ўзбекча зооним компонентли фразеологизмлар ўқув луғати. – Андижон: АнДУ, 2015. – Б.111.

³Қораев С. Топонимика. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006. – Б.308.

⁴Аҳмадалиев Ю. Топонимика ва географик терминшунослик. – Фарғона, 2018. – Б. 15.

⁵Холманова З. “Бобурнома”нинг айрим лексик хусусиятлари. – Тошкент, 2013. – Б.100.

⁶Улуқов Н. “Бобурнома” асаридаги гидрономик терминлар хусусида. – Тошкент: ЎЗР ФА. 2004. –№4. – Б.208-210.

⁷Тешабоева З. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик birlikларнинг когнитив ва лексикографик тадқиқи. Док. дисс... . – Тошкент, 2021. 275 б.

⁸Хошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Док. Дисс.... – Тошкент, 2018. 265 б.

⁹Охунов Н. Тил ва жой номлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – Б.3.

Бугунги кун тилшунослигида ўз ўрнига эга бўлган ойконимлар, гидронимлар, оронимлар ва некронимлар каби топонимик кўламнинг барча бирликларини янги лисоний парадигмалар асосида тадқиқ этиш кун тартибига қўйилди. Топонимларни хар жихатдан ўрганиш, уларни келиб чиқиш тарихига тўхталиш, фалсафий ва ижтимоий томондан таҳлил қилиш, бадий-тасвирий воситалар орқали ифода этилишини талқин қилиш муҳимдир. “Бобурнома” матнидаги топонимларнинг юқорида кўрсатилган турлари бўйича таҳлил қиламиз:

Топоним турлари:	“Бобурнома” матнидан олинган мисоллар:
Ойконимлар	Ламғонот, Еттикент, Тошқўрғон, Тошканд, Андижон, Кеш, Сайрам, Сурҳработ, Ёрканд, Навканд, Хуросон, Арабистон, Мўғулистон
Гидронимлар	Қарғабулок, Ахси суйи, Хўжанд суйи, Сайхун дарёси, Бобоқаро чашмаси, Кўли Мағок, Нилоб гузари, Сару дарёси, Сатлуж дарёси, Иламиш дарёси, Синд дарёси
Оронимлар	Кухи Сафид, Кухисоф, Саретоғ, Олатоғ, Кирмош тоғи, Хожа Исмоил тоғи, Олатоғ, Кухпур, Меҳтар Сулаймон тоғи, Мурғон тоғи, Шовдор тоғи, Шунқорхона тоғи, Кирмош тоғи
Некронимлар	Масжиди Лақлақа, Масжиди Жавзо отлик, Хожа Хизр масжиди, Али Масжид, Масжиди Жавзо, Муқаттаъ, Али
Анротопонимлар	Алишербек боғи, Бобо Ҳасан Абдол, Бобоқаро чашмаси, Бозори Малик, Деҳи Яъқуб, Муҳаммад Оға кенти, Муҳаммад Чаб кўприги, Хожа Исмоил тоғи, Шайхзода дарвозаси
Зоонимлар	Айиқ ўти, Акка, Амлук йиғочи, Балут дарахти, Оласой анори, Ҳаатий, Хурмо суйи

“Бобурнома”дан келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, асарда муайян топонимик объект номлари, уларнинг келиб чиқиш тарихи, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ бирликлар кенг изоҳланади. Таҳлил қилинган топоним билан боғлиқ халқ ичида машҳур бўлган қизиқарли ривоятлар этимологик далил сифатида келтирилади. Шу билан бирга, шарҳлаш жараёнида турли тизимли тилларда қандай номланиши бўйича маълумотлар келтирилади. Бобур тилга олган кўплаб географик атамалар топонимларнинг келиб чиқишини аниқлашда ва ўзбекча илмий

терминологияни яратилишида катта аҳамиятли бўлиб, тилшуносликнинг ривожда ҳам маълум ўринга эга эканлигини билишимиз мумкин.

С.Қораев¹нинг таъкидлашича, бир сўздан иборат топонимлар, одатда, отлар ва камдан-кам ҳоллардагина сифатлар шаклида бўлади. Ҳар бир тил топонимлар ҳосил қилишда ўз хусусиятларига ва топонимик моделларга эга. Дарҳақиқат, ҳар бир берилаётган географик номлар грамматик жиҳатидан от+от ёки от+сифат шаклида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган географик жой номида грамматик жиҳатдан от+от тузилмасидан ҳосил бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг **“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг инглиз тилига таржима қилиш тамойиллари**» деб номланган иккинчи бобида киши ва жой номларининг “Бобурнома” матнида берилиши ва уларнинг инглиз таржимонлари Лейден-Эрскин (1826), А.Бевериж (1922) ва В.Текстон (1996) томонидан амалга оширилган таржималари аслият билан қиёсланиб, таҳлил қилинди.

Иккинчи бобнинг биринчи фасли “Бобурнома” матнидаги антропонимлар ва уларнинг инглизча таржималарда ифодаланиши” деб номланади. Бир тилдаги исм-шарифлар ва жой номлари иккинчи тилга ўгиришда кўпроқ икки усул – транслитерация (яъни ўз тилида қандай ёзилса) ва транскрипция усули билан (яъни қандай талаффуз қилинса) ўзга тилга шундайлигича ўтказилади, бунда иложи борича аслиятга яқин шакл ва оҳангда ўтишига ҳаракат қилинади. Бунда таржимон айрим муаммоларга дуч келади, жумладан, чет тилининг товуш тизими, алифбоси, имло қонуниятларини она тили товуш тизими-ю имло имкониятлари асосида адекват (муқобил) тарзда қайта тиклаш муаммоси пайдо бўлади. Бундай ҳолларда бир тилдаги киши исмлари ва жой номлари иккинчи тилга тасвирий ифода, изоҳ ва шарҳлар орқали ўгирилади, иложи борича аслиятга яқин шакл ва оҳангда ўтишига ҳаракат қилинади.

Али Мазидбек қавчин таърифланган илк жумладаёқ Бобурнинг шахс психологиясининг энг муҳим нуқтасидан сўз бошлаш маҳорати аниқ билинади. Бу шахс Умаршайх ва Бобур салтанатига икки марта душманлик ҳаракатини зоҳир этганки, Бобур буни аниқ вақт ва замон кўламида баён этган: *“Яна бир Али Мазидбек қавчин эди, икки қатла ёғий бўлди: бир мартаба Ахсида, яна бир мартаба Тошкандда. Мунофиқ ва фосиқ ва ҳаромнамак ва ярамас киши эди”* (Бобурнома. 2002; 41). Бундай жиҳатлар Лейден-Эрскин таржимасида: *“Ali Mazid Beg Kuchin was another. He twice rebelled, once in Akhsi and once in Tashkend. He was a libidinous, treacherous, good-for-nothing hypocrite”*² тарзида акс эттирилади. “Али Мазидбек қавчин” антропоними *“Ali Mazid Beg Kuchin”* шаклида қайта тикланади. Бунда таржимон “қавчин”³ (ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Мовароуннахрга Чингизхон қўшини таркибида кириб келган. Этник

¹Қораев С. Топонимика. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2006. – Б.33.

²King L., Leyden J., W.Erskine. Memoirs of Zehired-din Muhammed Babur, Emperor of Hindustan. – Edinburg, 1921. – P.23 (кейинги саҳифаларда (Лейден-Эрскин II; 1826; 23) шаклида берамиз).

³Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент, “Шарқ”, 2014. – Б. 605.

мансублиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. “Бобурнома”да фақат тайин шахсларнинг нисбаси сифатида тилга олинган. Қавчин беклари Бобурга садоқат билан хизмат қилган. Бобур улар ҳақида илиқ фикрлар билдирган) сўзини Лейден-Эрскин қабила маъносида эмас, балки исм шаклида олган. Чунки “қавчин” сўзи “*Kuchin*” шаклида катта ҳарфлар билан берилади. Муаллиф томонидан *Али Мазидбек* қайси қавмга тегишли эканлигини кўрсатиб ўтиш мақсадида берилади, лекин таржимон буни тўлиқ англаб етмаган ҳолда шахс исми сифатида ўтиради. Шу билан бирга *бек* сўзини ҳам исмдан ажратиб, уни беклардан бири эканлигини ўқувчига аниқ етказишга ҳаракат қилади. Аслият матнида эса муаллиф Али Мазидбекнинг Бобурга садоқат билан хизмат қилган қавчинлардан эканлигини кўрсатиб ўтади. А.Бевериж таржимасида: “*Ali-mazid Quchin was another; he rebelled twice, once at Akhsi, once at Tashkent. He was disloyal, untrue to his salt, vicious and good-for nothing*”¹ деб ўгирилади. Ушбу “*Али Мазидбек*” антропоними “*Ali-mazid Quchin*” шаклида ўгирилади. Бунда таржимон *Мазид Али* сўзи билан битта эканлигини англаган ҳолда исми кичик ҳарф билан беради, бу исм *Али* билан бир сўз сифатида келтиради. Бунда ҳам қабила номи исм шаклида берилади. Аслиятда эса Мазидбек бекнинг исми эканлигини кўрсатилади. В.Текстон таржимасида: “*Another was Ali Mazid Beg. He was a Qauchin. He rebelled twice, once at Akhsi and once at Tashkent. He was hypocritical, debauched, ungrateful, and worthless*”² (В.Текстон. 1996; 48) кўринишида берилган. “*Али Мазидбек қавчин*” антропоними В. Текстон таржимасида “*Ali Mazid Beg*” тарзида прагматик мувофиқликда амалга оширилади. “*Қавчин*” сўзини эса Али Мазидбек исмидан фарқлаган тарзда алоҳида “*Қавчин*” қабиласига тегишли шахс эканлигини ўқувчига тушунарли тарзда етказиш мақсадида ҳар иккала таржимондан фарқли тарзда келтиради. Буни ўқиган инглиз китобхони уни “*қавчин*” қабиласидан эканлигини фарқлай олиши осон бўлади. Таржимон Бобур қўллаган антропонимлар моҳиятини яхши тушунган. Шунингдек, учала таржима вариантнинг антропонимларга доир қисмини чоғиштириш шундан далолат берадики, бунда таржимонлар антропонимларни сўзма-сўз, транслитерация, транскрипция, тасвирий ифода, изоҳ ва шарҳлар орқали таржималарда қайта тиклашга уринганлар. Транслитерация усули қўлланган ўринларда мутаржимлар муайян ютуқларга эришади. Аммо исм ёнига қўшилган мансаб, унвонлар таржимасида эса, улар ўртасидаги ўзбек тилига хос нозик боғланишларни ҳисобга олмаганлари боис ўқувчи нуқтаи назардан чалкашлик ва хатоликлар келиб чиқади. Оқибатда миллий, адабий-маданий тафаккурда киши исмининг ажралмас қисми сифатида тушуниладиган қўшимчалар алоҳида маъно ташийди. Бир шахс исми икки, баъзан уч киши исмидек хато тасаввурга олиб келади. Изоҳ ва

¹Beveridge A.S., *The Bābur-nāma in English (Memoirs of Babur)*, Translated from the Original Turki Text of Zahiru'ddin Muhammad Babur Padshah Ghazi by Annette, Susannah Beveridge. 2 Vols, – London, 1922; Repr, in one Volume, – London, 1969; – New Delhi, 1970; – Lahore, 1975. – P.26 (кейинги саҳифаларда А.Бевериж. 1922; 26 шаклида берамиз).

²The Baburnama. *Memoirs of Babur, Prince and Emperor*, Translated, Edited, and, Annotated by Wheeler M., Thackston. – New York & Oxford, 1996. – P.48 (кейинги саҳифаларда (В.Текстон. 1996; 48) шаклида берамиз).

шарҳлардан фойдаланилганда матн бадиияти, тасвир ва тасниф руҳи тўла сақлаб қолинмаса ҳам, маъно аниқлигига путур етмайди.

Бобнинг иккинчи фасли **“Бобурнома” матнидаги топонимлар ва уларнинг инглизча таржималарда акс этиш муаммолари**” деб номланиб, унда топонимларнинг таржималарда акс этиши масалалари очиб берилади.

Географик номлар, яъни топонимлар тил луғат таркибининг бир қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунди ва тилшуносликнинг тараққиёти учун ҳисса қўшади. Албатта, топонимлар ҳам шу ҳудудни кўрсатиб бериш билан бирга шу тилнинг луғат таркибини бойитиш учун хизмат қилади.

“Бобурнома” матнида “Кеш”, “Шаҳрисабз”, “Самарқанд”, “Насаф” ва “Нахшаб” каби ойконимлар таҳлил қилинган. Кешнинг Шаҳрисабз (Яшил Шаҳар) эканини махсус қайд этади: *“Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар, сангтарошлиқ қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар”* (Бобурнома. 2002; 61). Тасвирда Кеш ва Самарқанд вилоятининг географик жойлашувидан ташқари, унинг табиати, мафтункор адирлари ва боғлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилинади. Бу жойлар Амир Темур таваллуд топган маскан бўлгани боис, ҳар икки шаҳар – Самарқанд ва Кеш ҳамда бу вилоятларнинг географик жойлашуви, иқтисодий аҳволи, рельефи ва табиат манзараларини астойдил тасвирлайди. Ушбу парчани уч таржимон томонидан берилган таржималаири таҳлилга тортамин. Лейден-Эрскин Шаҳрисабз, шаҳар ва доvonнинг номларини қайта тиклашда транслитерация усулидан фойдаланади. “*Kesh*” шаҳрини “*Kesh*”, “*Самарқанд*”ни “*Samarkand*”, “*Шаҳрисабз*” номини “*Shahr-i-sabz*” шаклида транслитерация орқали беради ва қавс ичида (the Green City) “*яшил шаҳар*” тарзида изоҳ беради. Натижада аниқлик ва муқобил таржима вариантини тақдим этади.

А.Бевериж ҳам Лейден-Эрскин йўлидан боради. “*Shahr-i-sabz*” (Green-town) шаклида транслитерация қилади. Қавс ичида эса (Green-town) “яшил шаҳар” тарзида аниқлаштирувчи изоҳ бериб кетади. В.Текстон эса, топонимларни транслитерация усули орқали таржимада қайта тиклайди. “*Kesh*” шаҳри “*Kish*”, “*Самарқанд*” эса “*Samarkand*”, “*Шаҳрисабз*” номи “*Shahrisabz (Green city)*” деб транслитерация қилади ва қавс ичида (Green city) (яшил шаҳар) деб келтирилади. Таржимон топонимлар таржималарини беришда ҳар бир детални бир тилдан иккинчи бир тилга кўчираётганда, аслиятдаги маъно ва мазмунига эътибор қаратади. Воқеаларни тасаввур қилишга уринади, гўё унинг иштирокчисига айланади. Шундагина воқеалар тафсилотини аслиятдагидек қайта тиклайди. Демак, учала таржимон ҳам “Бобурнома” матнидаги топонимларни ўгиришда тасвирий ифода, калька, сўзма-сўз таржима, муқобил таржима ва бошқа усуллардан фойдаланганига таржима таҳлил жараёнларидан амин бўлдик.

Учинчи фасл “Бобурнома” матнидаги антропонимлар ва топонимларнинг инглиз тилига таржима қилиш мезонлари” деб аталиб, унда антропоним ва топонимларнинг таржима қилиш мезон ва тамойиллари кўрсатиб берилди.

Антропонимларни таржималарини амалга ошириш жараёнида исм билан бирга келтирилган лақабларни билдирган маъносини ўзида сақлаган ҳолда таржима қилиш муҳимдир. Чунки инглиз таржимонлари томонидан “Бобурнома” матнидаги антропонимларни таржима қилиш чоғида уларни исмлари билан бирга келган лақабларни номланишига кўра кўпроқ Анетта Бевериж таржималарида ўгирилганига гувоҳ бўлдик. Лекин барча лақабларнинг таржималари ҳам аслият матнидаги антропонимларни айнан маъносини бермайди. Таржимонлар айрим ҳолларда антропонимларни транскрипция ва транслитерация усули орқали қайта тикласалар-да, уларни аслият тилида қандай талаффуз этилса шундайлигича кўчмаганлигини кўрамиз. Бу исмларни тилдан-тилга ўтиши орқали аслият матнидаги антропоним умуман бошқа шахсга айланиб кетганига ҳам таржималар таҳлили жараёнида амин бўлдик.

Антропонимларни қайта тиклаш мезонларини белгилаш чоғида исмлар ўз объекти ҳақида маълум бир ахборотларни бериши мумкинлигини, бу ахборотлар уч кўринишга эга бўлиб, лисоний, нутқий, қомусий шакллардан ифода этилишини ҳисобга олишимиз даркордир. Тил бирлиги (лисоний) сифатида улар шахсларни атайди, индивидларни бир-биридан ажратади. Нутқий маълумотда эса сўзловчининг шу исмга бўлган муносабатини ифодалайди.

“Бобурнома” матнидан антропоним ва топонимларга оид мисоллар келтирилиб, таҳлилга тортилди. Таҳлил натижасида антропоним ва топонимлар таржималарини, таржима назарияси ва амалиётининг умумметодологияси асосида тўла таҳлилдан ўтказиш жараёнида, антропоним ва топонимлар таржималарининг таржима мезонларини қуйидагича белгилашни маъқул топдик:

1. Антропонимларнинг лексик маъноларига эътибор бериш;
2. Ўқувчида умумий таассурот ҳосил қилиши, бир тилда сўзлашувчи жамоа асосан уларни бир хилда тушунадиган тарзда ифода этиш;
3. Антропонимлар ўзларига хос қурилишга, тузилмага эга бўлиши ва таржимада буларни ҳисобга олиш зарурати;
4. Антропонимлар асосан содда ҳолда берилиб ўқувчига тушунарли бўлиши учун лақаблар билан бирга келади, булар таржималарда калькалаш, сўзма-сўз, тасвирий ифода ва бошқа усулларда амалга ошади;
5. Антропонимлар гапда маълум бўлак вазифасини бажариб, бошқа гап бўлаклари билан муносабатга кириша олади, асосан гапнинг эгаси бўлиб келади, таржималарда шакл ва мазмунини сақлаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Топоним таржималарининг мезонлари:

1. Топонимларни ўзига хос лексик маънога эгаллиги;
2. Топонимларда умумлаштириш ва умумтушуниш хусусияти мавжудлиги;
3. Топонимлар хос структура ва шаклга эга бўлишини;
4. Топонимлар содда ҳолда асосан тасвирлар билан бирга келади;
5. Топонимлар гапда маълум бўлак вазифасида келиб, бошқа гап бўлаклари билан синтактик муносабатга кириша олади.

Буларнинг барчаси назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб, таҳлил натижаларидан келиб чиқиб белгиланди.

Диссертациянинг **“Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар инглизча таржималарининг лингвокультурологик ва лингвопрагматик хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида лингвокультурология ва прагматика соҳасидаги турли ҳил назарий қарашлар, “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг лингвокультурологик жиҳатлари кўриб чиқилди ва таҳлил этилди.

Бобнинг биринчи фасли “Бобурнома” матнидаги антропонимлар инглизча таржималарининг лингвокультурологик таснифи” деб номланиб, антропонимлар таржималарининг лингвокультурологик хусусиятлари таҳлилга торилади ва унинг муҳим жиҳатлари кўрсатилиб берилади.

Лингвокультурологиянинг фанга кириб келиши ва шаклланиши ҳақида сўз кетганида, барча тадқиқотчилар бу назариянинг асосчиларидан бири В.фон Гумбольдтга бориб тақалишини таъкидлайдилар¹. Адабиётларда бу соҳани кириб келишида А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинц, Х.Хольц, У.Д.Уитни, Д.У.Пауэлл, Ф.Боас, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Г.Брутян, А.Вежбицкая, Д.Хаймз каби тилшуносларнинг фикрлари муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилади².

Лингвокультурология бу тил ва маданият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўлиб, лексик тил бирлиги орқали ифода этилаётган лексик бирликларни кўрсатиб бериш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Матнда келтирилган маданиятни лексик бирлик орқали таснифланиши, уни ўқувчига тушунарли тарзда етказиб беришдир. Буларни таржималарда акс эттиришда шу миллат маданияти ва урф-одатларини яхши ўзлаштирган бўлишни тақозо этади.

“Бобурнома” муаллифи антропонимларни қайд этар экан, бунда ижодий тасвир усулига таянади. Антропонимларни шунчаки маълумот сифатида тилга олмайди, балки шунга оид топонимлар, генетик-тарихий жиҳатлар, ижтимоий ҳолатлар, этимологик хоссаларни тасвирий тарзда параллел беради. Шунингдек, Бобур ўз беклари, амирлари, вазиру-вузаролари, лашкарлари-ю, унинг қароргоҳида хизмат қилувчи шахслар исmlарини бир-биридан фарқлаш учунми, уларнинг исmlари ёнига ё лақаблари ёки мансабларини қўшиб келтиради.

Бобур Андижондаги мураккаб сиёсий вазият сабаб, Самарқандни қўлдан бой беради. Борарга жойи қолмай, Хўжандга кетади. Андижонни қайтариб олишдан умиди узилган Бобур беклари ва қўшинидаги йигит-яланглардан кимлар у билан қолди-ю қайсилари ундан ажралиб кетгани ҳақида бирма-бир маълумот беради. Хусусан, “Бобурнома”да бу ҳолат шундай акс эттирилади: *“Айрилгонлардин: беклардин Али Дарвешбек, Али Мазид қавчин, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикога, Мирим Логарий, менинг била қолгонлар, гурбат била меҳнатни ихтиёр қилгонлар, яхши-ёмон, тахминан, икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлгай эди. Беклардин Қосим қавчин бек, Вайс*

¹В.Хумбольднинг тил ва шахс ҳақидаги фикрлари тўғрисида, қаранг: Нурмонов А. Оврупода умумий ва қиёсий тилшуносликнинг майдонга келиши// Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Т.: Академнашр, 2012. 2-жилд. – Б.23-40.

²Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2012. – №5. – Б.3-16.

Лозарий бек, Иброҳим соруи минглизбек, Ширим тағойи, Сайди Қаробек; ичкилардин Миршоҳ қавчин, Сайид Қосим эшикога жалойир, Қосим ажаб, Муҳаммад Дўст, Али Дўст тағойи, Муҳаммад Али мубашишир, Худойберди тугчи мўғул, Ёрак тағойи, Султонқули Бобоқули, Пир Вайс, Шайх Вайс, Ёрали Билол, Қосим мирохўр, Ҳайдар рикобдор. Манга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба йиғлади” (Бобурнома. 2002; 64). Иқтибосдан маълум бўлишича, ушбу ҳолат Бобурни кўп изтиробга солган. Ўзи билан қолганларни миннатдорлик билан эсласа, ажралиб кетганларни ҳам ёмон сўз билан ёдламайди. Балки кетганлар боис чеккан изтиробини “Манга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба йиғладим” жумласида бадий ифодалайди. Бундан Бобур ҳаётидаги фожиавий вазиятлардан бири шу эканига амин бўламиз. Айни пайтда, ўқувчи ушбу матн тағмоҳиятида икки тоифа шахслар антропонимлари ҳақида фикрлар берилаётганини англайди. Бобурни йиғлатган тоифадан ранжиса, “ғурбат била меҳнатни ихтиёр қилғонлар”га нисбатан қалбида илиқ туйғулар уйғонади. Кўринадики, Бобур ҳар бир бек ёки сарбознинг номини келтириш билан бирга, уларнинг мансаб ва лақабларини ҳам кўшиб беради. Киши исмига лақаб ёки мансабни кўшиб қўллаш шарқ халқларига хос бўлиб, шарқ маданиятининг ўзига хос белгисидир. “Бобурнома” матнида эса миллатимизнинг лингвокултурологик хусусиятлари ўз аксини топган. Одатда, ўзбекларда киши номларининг аталиши шу жойнинг урф-одатлар, яшаш шароити билан бевосита боғлиқ бўлади.

Қуйида бу жиҳатларни таржимада акс эттиришда таржимонлар қандай усуллардан фойдаланганлари хусусида фикр юритамиз.

Аслиятда: “*Али Дарвешбек*” исми: Ali Derwish Beg (L-E), Ali-darwesh Beg (A.B.), Ali Darwesh Beg (V.T.), “*Али Мазид қавчин*”: Ali Mazid Kuchin (L-E), Ali-mazid Quchin (A.B.), Ali Mazid Qauchin (V.T.), “*Муҳаммад Боқирбек*”: Muhammed Bakir Beg (L-E), Muhammad Baqir Beg (A.B.), Muhammad Baqir Beg (V.T.), “*Шайх Абдулло эшикога*”: Sheikh Abdallah the chamberlain (L-E), Shaikh Abdu'l-lah, Lord of the Gate (A.B.), Shaykh Abdullah Eshik-aqa (V.T.), “*Мирим Лозарий*”: Miram Laghari (L-E), Mirim Laghari (A.B.), Mirim Laghari (V.T.), “*Қосим мирохўр*”: Kasim, Master of the Horse (L-E), Qasim Mir Akhwur (Chief Equerry) (A.B.), Qasim Mir Akhwur (Chief Equerry) (V.T.) “*Ҳайдар рикобдор*”: Hyder Rikabdar (the Equerry) (L-E), Haidar Rikabdar (stirrup-holder) (A.B.), Haidar Rikabdar (stirrup-holder) (V.T.), шаклида ўгирилган.

Масалан, “*Шайх Абдулло эшикога*” исми таржималарининг қиёсий таҳлилига эътибор қаратайлик: Лейден-Эрскин таржимасида: “*Sheikh Abdallah the chamberlain*” деб берилади. Таржима матнида Шайх Абдулло сўзлари “*Sheikh Abdallah*” шаклида транслитерация қилингани ҳолда, “эшикога” сўзига саройдаги лавозим, ҳукмдор, саройдаги тартиб-интизомни сақлаш учун масъул бўлган шахс тарзида изоҳ бералади. Шу билан биргаликда “the chamberlain” 1. Сарой ва аёнларининг унвонларидан бири ва шу унвондаги киши 2. Казначи ҳарбий қисмларда: пул-буюмлар бериш ва қабул қилишни бошқарувчи хизматчи, тарзида теран изоҳ берилади. А.Бевеиж таржимасида: “*Shaikh Abdu'l-lah, Lord of the Gate*” деб келтирилади. Шахс номи “*Шайх Абдулло*” “*Shaikh Abdu'l-lah*” алоҳида, “эшикога” сўзи алоҳида “*Lord of the Gate*” (эшик хўжайини) шаклида сўзма-

сўз таржима қилинади. Бундай таржима қилиниши натижасида бир шахс икки кишини билдираётгандек тасаввур уйғонади. В. Текстон таржимасида: “*Shaykh Abdullah Eshik-aqa*” транслитерация йўли билан берилади, “*Шайх Абдулло*” “*Shaykh Abdullah*”, “эшикоға” сўзини “*Eshik-aqa*” тарзида транслитерация қилинади.

Бобур бекларидан яна бири “*Султонқули Бобоқули*” исми Лейден-Эрскин таржимасида: “*Sultan Kuli*” шаклида келтиради, “*Бобоқули*” тушириб қолдирилади. Оқибатда таржима матнида аслият матнидаги лингвокултурологик хусусият сақланмайди. Шахс номи ноаниқлигича қолади. А.Бевеерж таржимасида: “*Султонқули Бобоқули*” “*Baba ‘Ali’s (son) Baba Quli*” (Бобо Алининг (ўғли) Бобо Қули) тарзида келтиради. Аслият матнида берилган кишининг исми умуман бошқа шахсга айланиб кетган. Бу таржимада ҳам аслият матнининг прагматик жиҳатлари ўз аксини топмаган. В.Текстон таржимасида: “*Baba-Quli’s Sultan-Quli*”(Бобо Қулининг Султон Қули) шаклида берилади. Бу бироз бўлса-да, аслият матнига яқин, аммо аслият матнига айнан мос келмайди.

Яна ичкиларидан бири “*Саййид Қосим эшикоға жалойир*”нинг номи Лейден-Эрскин таржимасида: “*Syed Kasim, the Chamberlain, a Jelair*” тарзида таржимада берилади. Кўриб турганимиздек, таржимада бир кишига тегишли бўлган мансаблар учга ажратилиб кўрсатилади. А.Бевеержда: “*Sayyid Qasim Jalair, Lord of the Gate*” деб берилади, бу таржимада бир шахсга тегишли мансаб иккига ажратилади. Исмга қўшиб айтилган мансаблар номларининг тартибига ҳам ўзгариш киритилади. Сўзнинг В.Текстон эса: “*Sayyid Qasim Eshik-aqa Jalayir*” деб транслитерация усулидан фойдаланиб, аслиятга мос тарзда қайта тиклайди.

Бобнинг “Бобурнома” матнидаги топонимлар инглизча таржималарининг лингвокултурологик хусусиятлари” деб номланган иккинчи фаслида айнан топонимларга урғу берилиб уларнинг лингвокултурологик жиҳатдан таҳлил этилган.

“Бобурнома” матни мана шундай лингвокултурологик хоссаларни тўла сақлаган асардир. Шу боис уни таржима қилиш учун таржимон нафақат қадимий турк ва ўзбек тилларини билиши, балки ўзбек халқининг ҳаёт тарзини урф-одатларини ва топонимикасини чуқур билишни талаб этади.

“Бобурнома” матнида: “*Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, Масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ, ун келур, гариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас*” (Бобурнома. 2002; 60). Муаллиф некроним топонимлардан бири “*Масжиди Лақлақа*” ҳақида маълумот берар экан, бу масжиднинг нима учун “*Масжиди Лақлақа*” деб номланишига таъриф бериб ўтади. Бу таснифни ўқиётган ўқувчи масжид номининг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида батафсил маълумотга эга бўлади. Бу борада Ш.Улжаева ҳам ўз фикрини билдириб ўтади¹. Шу билан биргаликда бу парчада лингвокултурологик хоссалар ҳам ўз аксини топган.

“Бобурнома” матнидаги топонимлар таржималарининг лингвокултурологик хусусиятларини очиб берилишини таржималар таҳлили

¹Улжаева Ш. “Бобурнома”да Самарқанд тавсифи. <https://kor.facebook.com/groups/246149995752425/permalink/382439522123471>

жараёнида кўриб чиқамиз: Муаллиф некроним таснифини “Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ, ун келур” деб келтиради, Лейден-Эрскин таржимасида аслиятга мувофиқ “бирор-киши масжидни ерини тепса, акс садо (лақлақа) қайтар” деб келтиради. Аммо муаллиф таснифича масжид ўртасини тепса, лақлақа товушини беришини айтади, таржимада эса умумий шаклда берилиб, таржиманинг аниқлигини йўқотади. Бу эса таржима ўқувчисига прагматик жиҳатидан бироз бўлса-да номувофиқликда етказилганлигини билдиради. Таржимон “*Масжиди Лақлақа*” топонимини “*the Laklaka (or Echoing) mosque*” тарзида беради. Бунда ушбу топонимни транслитерация қилиш билан бирга уни таржимасини ҳам бериб ўтади, лекин бу таржима айнан аслиятдаги топонимни ифодалай олмайди. Келтирилган лингвокультурологик хосса ҳам таржимада қайта тикланмай қолади. Чунки бу “лақлақа” сўзи ҳам кўпроқ туркий халқларининг миллий маданиятни ўзида акс эттирувчи сўзлардан бири ҳисобланади.

А. Бевериж таржимасида Лейден-Эрскин каби таржима қилади, лекин ўқувчига тушунарли тарзда аниқ жойини ҳам кўрсатиб ўтади. “*Масжиди Лақлақа*” топоними таржимада “*Masjid-i-laqlaqa (Mosque of the Echo)*” тарзида берилиб, транслитерация қилинади, лекин ўқувчига бу топоним таржимасини осонроқ етказиш мақсадида “*Акс садо масжиди*” шаклида келтиради. Бунда ҳам таржимон аслият матнидаги лингвокультурологик хоссаларни муаллиф таснифидек прагматик мувофиқликда етказиб бера олмаган. Таржимашунос олим М.Умархўжаев таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспекти ҳақида билдирган фикрларида ҳам таржиманинг прагматик жиҳатидан ўқувчига тушунарли бўлиши муҳим эканлигини таъкидлайди¹.

В.Текстон ҳам Лейден-Эрскин ва А.Бевериж каби таржима усулини танлайди. Лекин ҳар иккала таржимондан фарқли тарзда ўқувчига топонимлар шакл ва мазмунини сақлаган ҳолда етказиш мақсадида “*Лақлақа Масжиди*” топонимини “*Laqlaqa Mosque*” тарзида транслитерация йўли билан бериб, масжидни эса муқобил вариантини келтиради. Топонимни номланиш этимологияси таржимаси жараёнида ўқувчига имкон даражасида тушунарли бўлиш йўллари кидиради ва бу мақсадга эришиш ниятида “лақлақа” сўзини таржима тилида айнан эквивалентини топишга ҳаракат қилади. В.Текстон ҳам қанчалик уринмасин бу лингвокультурологик хоссани прагматик мувофиқликда айнан беришга эриша олмайди. Лекин ҳар иккала таржимонга нисбатан В.Текстон кўп изланишлар олиб боргани “лақлақа” сўзини айнан беролмаса-да ўқувчига таснифлаб тушунтиришга таржиманинг тасвирий ифода усулидан фойдаланиб етказишга уринган. З.Худойберганова таъкидида “Лингвомаданий бирликларни қиёслашда ёки уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда ўша давр маданияти, хусусан, халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим”² деб келтиради. Дарҳақиқат, бу масжиднинг номланишида ҳам уша давр маданияти ва халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топган.

¹Умархўжаев М. Таржима дунёси ва унинг фалсафаси. Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспекти. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон, 2015. – Б.4-8.

²Худойберганова З. “Таржиманинг лингвомаданий масалалари”. – Тошкент, 2016. – Б. 68.

Бобнинг учинчи фасли “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар инглизча таржималарининг лингвопрагматик таҳлили” деб номланган. Лингвопрагматика бевосита семиотикадан ажралиб чиққан лингвистик соҳа бўлиб, яъни Ч.Пирс ва Ч.Морриснинг таснифига кўра прагматика (лингвопрагматика) семиотика доирасидан синтаксис ва семантика билан бир қаторда туради. “Прагматикани белгилар ва ушбу лисоний белгиларни яратувчи, узатувчи ҳамда қабул қилувчи шахслар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан сифатида тадқиқ қилган немис файласуфи Г.Клауснинг илмий қарашлари Ч.Пирс ва Ч.Морриснинг ушбу соҳа хусусидаги фикрларини мантиқан давом эттиради”¹. ХХІ аср тилшуносларидан Я.Мей² ва Д.Ким³нинг лингвопрагматика соҳаси, унинг предмети ва бошқа соҳалар билан ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фикрлари аҳамиятга моликдир. Хусусан, “Лингвопрагматика (ёки прагматика)-тилшунослик ва семиотиканинг бир соҳаси бўлиб, у контекстнинг маънога таъсир қилиш ҳолатлари ва йўллари ўрганади. Прагматика ўз ичига нутқий акт назарияси, мулоқотга киришиш жараёни, суҳбатдаги ўзаро муносабат ва нутқ ҳолатидаги тил билан боғлиқ бошқа хусусиятларни қамраб олади”⁴. “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг лингвопрагматик хусусиятлари ва уларнинг ўқувчига етказиш масалаларини таҳлил қиламиз.

“Бобурнома” матнида: “*Яна бир Ҳасан Яъқуббек эди. Кичик кўнгуллик яхши таъблиқ, чуст ва часпон киши эди. Мардона киши эди. Ўқни яхши отар эди, чавгонни яхши ўйнар эди. Хок паллани яхши сочарар эрди. Умаршайх миро воқибасидин сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди. Ичи тор ва кам ҳавсала ва фитнароқ киши эди*” (Бобурнома. 2002; 41), муаллиф яна бир беклардан бири Хасан Яъқуббек антропоними ҳақида фикр юритиб, уни кичик кўнгиллик, яхши таъблиқ, (чуст⁵- тез, илдам, жадал, чаққон; ўткир, кескир; ва часпон⁶-чаққон, эпчил, киришимли) чаққон ва киришимли киши бўлганлигини, жасур шахс бўлиб, ўқни яхши отиши ва чавгонни маҳорат билан ўйнашини тасвирлайди.

Антропонимга хос бўлган характер ва хусусият Лейден-Эрскин таржимасида: “*another was Hassan Yakub Beg, who was frank, good-tempered, clever, and active. He was a man of courage, an excellent archer, and remarkable for his skill in playing the games of choughan and leap-frog. After the death Omer-Sheikh Mirza, he became Master of my Household. He was, however, narrow-minded, of small capacity and a promoter of dissension*”. (Лейден-Эрскин. II; 23) (яна бири Хасан Ёқуб Бек эди, кўнгли очиқ, хушмуомала, ақлли ва фаол эди. У жасур, зўр камончи эди, ўз ишининг устаси чавгон ва сакраш ўйинини яхши билар эди. Умар-Шайх Мизо ўлимидан сўнг, у менинг уй хўжайним бўлди. Бироқ, у тор фикрли, қобилиятсиз ва келишмовчилик чиқарар эди

¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Т.: 2008. – Б. 59-241.

² Mey J.L. Pragmatics: An Introduction. 2nd ed. – Oxford: Blackwell, 2001. – P.148.

³ Kim D. et al. The Role of an Interactive Book Reading Program in the Development of Second Language Pragmatic Competence // The Modern Language Journal. Vol. 86. – № 3, – USA, 2002. – P. 328-332.

⁴ Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2008. – P. 9-236.

⁵ Лапасов Ж. Мумтоз адабий асарлар ўқув лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 240.

⁶ Исҳоқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли лугат. – Андижон: Андижон нашриёти матбаа ОАЖ, 2008. – Б.196.

(М.М)) деб ўгирилади. Таржимон антропоним таржимасини беришда аслият матнига мувофиқликда таржима қилишга ҳаракат қилади. Лекин уларни характер жиҳатини кўрсатиб беришда айнан шу сўзларни ўзи бўлмаса-да синонимик жиҳатидан яқин бўлган сўзларни танлайди. Антропонимлардан бири “*Ҳасан Яъқуббек*” таржимаси Лейден-Эрскин томонидан “*Hasan Yakub Beg*” тарзида қайта яратилади. Таржимон бу антропоним таржимасида ҳам бек сўзини ажратиб, беклардан бири эканлигини ўқувчига прагматик жиҳатидан мувофиқ етказишга уринади.

А.Бевеиж таржимасида: “*Hasan (son of) Yaq'ub was another, a small-minded, good-tempered, smart and active man. He was brave, a good archer, played polo (chaughan) well and leapt well at leap-frog. He had the control of my Gate after Umar Shaikh Mirza's accident. He had not much sense, was narrow-minded and somewhat of a strife-stirrer*”. (А.Бевеиж. 1921, 26) (Ёқуб ўғли бўлмиш Ҳасан эди, тор фикрли, яхши хулқли, ақилли ва фаол киши эди. У жасур, зўр камончи эди, чавгон ва сакраш ўйинини яхши ўйнар эди. Умар Шайх Мирзонинг воқеасидин сўнг у менинг дарвозамни кўриқлар эди. У сабрсиз эди, тор фикрлар ва жанжал кўзғатарди (М.М)) деб келтирилади. «*Ҳасан Яъқуббек*» антропонимини “*Hasan (son of) Yaq'ub*” тарзида аслият матнига яқинлаштириш мақсадида қавс ичида ўғли сўзини қўшади. А.Бевеиж антропонимлар таржимасини беришда унинг маъно ва мазмунига эътибор бермайди, натижада таржимада ўқувчи учун тушунарсиз ҳолатни юзага келтиради.

В.Текстон таржимасида: “*Another was Hasan Ya'qub Beg. He was unambitious, good-natured, and nimble. He was valiant and a good shot. He played polo well. He leapt well at leapfrog. After Umar-Shaykh Mirza's death he became lord of my gate. He was a dark temperament, impatient, seditious, and suspicious*”. (В.Текстон. 1996; 48) (яна бири Ҳасан Якуб Бек эди. У хушмуомала ва чаққон эди. У мард ва яхши камон отар эди. Умар Шайх Мирзо ўлимидин сўнг у эшик оғам бўлди. У оғир характерли, сабрсиз, фитначи ва шубҳали эди (М.М)) деб беради. В. Текстон антропоним таржимасини аслиятдаги “*Ҳасан Яъқуббек*”-“*Hasan Ya'qub Beg*” тарзида келтиради. В.Текстон ҳар иккала таржимонга нисбатан антропоним тасвирларини муаллиф ифода этгандек қайта тиклайди. “*Ҳасан Яъқуббек*” антропонимини аслият матнидагидек прагматик мувофиқликда қайта тиклашга уринади. “Таржимон таржима жараёнида ҳар қандай муаммоларни ҳал қилиш йўллари топиши, шунингдек, таржимада матнни аслиятидек таржима қила олиши ва таржима назарияси бўйича мукамал фикрларни яратилишига сабабчи бўлиши, яъни келажакда таржима амалиётини муваффақиятли йўлга қўйиш учун таржима назариясининг таъсирини кучайтириши керак”¹, деб ёзади бу ҳақида хорижлик таржимашунос Кин Гуо, М.Умархўжев эса адекват таржимада лингвокультурологик билим,

¹Qin Guo. Translation Theory and Translation Studies in China. Dissertation of Doctor of Philosophy. – The University of Texas at Dalas, 2012. 180 p.

таржимашунослик назарияси ва амалиёти масалаларига прагматик нуқтаи назардан алоҳида урғу беради¹.

ХУЛОСА

1. “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг лингвистик таснифида муаллиф аниқлик, тарихий ва ҳақиқат тамойилига амал қилган ва доимо содиқ қолган. Айни пайтда, антропоним ва топонимларнинг берилишида, аниқлик тамойили асосида тасвирланиши бадиий бўёқдорликка ҳалал бермаган. Аксинча, реаллик ва бадиийлик уйғунлашгани боис “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимлар ҳаққонийлик, таъсирчанлик, бадиий ўзига хосликка эга.

2. Антропоним ва топонимларни таржима қилишда таржимон куйидаги жиҳатларни эътибор марказида тутади: а) транслитерация яъни антропоним ва топонимларни инглиз тили ҳарфлари орқали транслитерациясида берилишидир; б) калькалаш, яъни сўзма-сўз таржима орқали ифодалаб бериш; в) тасвирий таржима, яъни антропоним ва топонимлар орқали берилган сўзни ифодалаган маъносининг мазмунини очиб бериш; г) антропоним ва топонимлар таржималарини шарҳлар орқали бериш йўли билан ҳам таржималар амалга оширилганлиги аниқланди.

3. “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларнинг статистик таҳлили аниқланди. Уларнинг сон жиҳатидан айрим олимлар томонидан келтирилгани график асосида берилиб, статистикаси кўрсатилди ва топонимлар ҳамда антропонимлар фақатгина қадимий туркий тилидагина эмас, улар ҳиндча, форсча, арабча, урду ва бошқа тилларда ифодаланганлиги, шунингдек, умумий тилшунослик нуқтаи-назаридан олиб қарайдиган бўлсак, топонимлар ҳам ўз хусусиятларига кўра лингвистик, тарихий, географик топонимика шаклида тилшуносликда муҳим аҳамият касб этиши кўрсатиб берилди.

4. “Бобурнома” матнидаги антропоним таржималарини таржима назарияси ва амалиётининг умумметодологияси асосида тўла таҳлилдан ўтказиш жараёнида антропоним таржималарининг мезонларини а) антропонимларнинг лексик маъноларига эътибор бериш; б) ўқувчида умумий таассурот ҳосил қилиш, бир тилда сўзлашувчиларга тушунадиган тарзда ифода этиш; в) антропонимлар ўзларига хос қурилишга, тузилмага эга бўлиши ва таржимада буларни ҳисобга олиш зарурати; г) антропонимлар асосан содда ҳолда берилиб ўқувчига тушунарли бўлиши учун лақаблар билан бирга келади, булар таржималарда калькалаш, сўзма-сўз, тасвирий ифода ва бошқа усулларда амалга ошади; д) антропонимлар гапда маълум бўлак вазифасини бажариб, бошқа гап бўлаклари билан муносабатга кириша олади, асосан гапнинг эгаси бўлиб келади, таржималарда шакл ва мазмунини сақлаган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини белгилашни маъқул топдик.

5. Таржима матнларида “Бобурнома” матнига хос миллий рух, лингвокультурологик хусусиятлар сақлаб қолинган. Таржима амалиётида

¹Умархўжаев М. Таржима ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари // Ҳозирги замон таржимашунослигининг долзарб масалалари (Илмий-амалий конференция материаллари). – Андижон, 2008. – Б.179-182.

мавжуд генерализация ва модуляция усулининг мувофиқ тарзда қўлланиши айти ютуқларнинг гарови бўлиб хизмат қилган.

6. Аслият матнида ифодаланган антропоним ва топонимларни қайта тиклашда таржимон маҳорати ва услубига кўра таржима қилинган. Айниқса, антропоним ва топонимларни лингвокультурологик жиҳатидан мукамал ўрганиб, таржимада аниқ акс эттириш учун адекват таржима асосий ўрин тутди. Таржимани аниқ акс эттиришда грамматик трансформациянинг синтактик мослашув турларидан фойдаланган. Айти жиҳат “Бобурнома”дек тарихий-мемуар-биографик асар таржимаси учун ўта муҳим. А.Бевеиж таржимасида шу жиҳат устунлик қилади. Бу ва саналган бошқа жиҳатлар таржимашунослик назарияси ва амалиётини янгидан-янги хусусиятлар билан бойитишга хизмат қилади.

7. Ҳар учала таржимон “Бобурнома” матнидаги антропоним ва топонимларни имкон доирасида прагматик тасвир этишга эришган. Бунда таржима амалиётига хос турли усулларни қўллаган. Айти жиҳат ҳар бир таржимон усулининг ўзига хослигини кўрсатиши билан биргаликда, улар амалга оширган таржима вариантлари бадиий-тарихий савияси, прагматикаси ҳақида муайян тўхтамга келиш имконини беради. “Бобурнома” матнида ифодаланган антропоним ва топонимларнинг аниқлиги асарнинг юксак намунаси ҳисобланади. Муаллиф учун бундай таснифлар ўз тарихий-илмий мақсадларини амалга ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

8. Антропоним ва топонимлар таржималарининг айримларида изоҳ ва шарҳларга кўпроқ ўрин берилиши оқибатида адекват ўгирилмаган ҳолатлар учрайди. Гарчи, таржимонлар бу ўринда инглиз тили ўқувчиси эҳтиёжини ҳисобга олган бўлсалар-да, бу таржима оқибатида келиб чиқадиган матн ғализлигини кўздан қочирганлар. Натижада антропоним ва топонимлар таржималарда тўла ифодаланмай қолган. Бу жиҳатлар таржима амалиётига киришишдан олдин шу халқ тили, тарихи, маданияти, урф-одатларидаги нозикликларни тўла ўрганишга ундайди.

9. Прагматик адекватликка кўра антропоним ва топонимлар таржимасининг муқобил вариантларини излаш, кўпинча прагматик номувофиқликка олиб келади. Бу масалада таржимон транслитерация усулидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Антропоним ва топонимларни таржима матнида ифода этишда, уларнинг матн контекстида бажарадиган аниқ вазифасидан келиб чиқиш, таржима амалиётини яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Лейден-Эрскин, А.Бевеиж, В.Текстон таржималарини қиёсий ўрганиш бизни шундай назарий хулосалар чиқаришга ундайди.

10. Антропоним ва топонимлар таржималари баъзи ҳолларда айнан, баъзи ўринларда инглиз тилига хос бўлган қисқартмалар орқали шарҳ ва изоҳларда берилган. Ҳар учала таржимон антропоним ва топонимлар таржималарини турлича амалга оширган бўлсалар-да, уларнинг асосий мақсадлари антропоним ва топонимлар шаклларининг аслига, прагматик хусусиятларига хос қайта тиклаш бўлган. Улар танлаган бу усул таржима амалиёти учун юксак илмий ва амалий қимматга эгадир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 ПРИ АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МУМИНОВА МУХТАСАР ОДИЛЖОН КИЗИ

**ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
АНТРОПОНИМОВ И ТОПОНИМОВ В ПЕРЕВОДАХ ТЕКСТА
“БАБУРНАМЕ”**

(на примере английских переводов текста “Бабурнаме”)

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительная лингвистика и
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора наук (PhD) по ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/Fil1821.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Андижанского государственного университета (www.adu.uz) и в Информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хошимова Дилдора Мадаминовна**
доктор филологических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Улуков Носиржон**
доктор филологических наук, профессор
Абдувалиев Мухаммаджон Арабович
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней № PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 при Андижанском государственном университете “_____” _____2021 года в ____ часов. (Адрес: 170100, город Андижан, улица Университетская, дом № 129. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30 e-mail: agsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанском государственном университете (зарегистрирована за № _____).. (Адрес: 170100, город Андижан, улица Университетская, дом № 129. Тел: 0(374) 223 88 14).

Автореферат диссертации разослан “_____” _____2021 года.
(протокол реестра №___ от “_____” _____ 2021 года)

Шахабитдинова Ш.Х.

Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.ф.н., профессор

Усманов Ф.Ф.

Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.ф.н.

Умарходжаев М.Э.

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В области мировой литературы и источниковедения есть множество важных и уникальных памятников, мемуаров, исторических и научных трудов, и сущность и значение подобных произведений состоят в создании новых традиций, в показе важных достоинств литературы каждого народа. “Бабурнаме” - это мемуарное произведение, которое занимает своё место в мировой литературе и истории. Основной причиной того, что произведение имеет свое место в мировом масштабе, является не только историческая достоверность событий в нем, это также исследование истории литературных и культурных связей узбекского народа с другими народами мира, созданное на прочной научной и художественной основе с богатым содержанием. Это произведение является не только редким историческим источником, но и энциклопедической книгой, охватывающей различные области науки. В нем политическая, социальная, экономическая и культурная жизнь периода, в котором жил и работал Бабур, география поэтов, исторических деятелей и регионов, которые жили и работали в этот период, история их происхождения и имена также имеют яркое выражение в художественной форме.

Тот факт, что рукописные копии и переводы текста “Бабурнаме” занимают место во многих библиотеках и музеях мира, привлекая внимание зарубежных исследователей, также подтверждает универсальную значимость произведения. Удельный вес исследований, проведенных по “Бабурнаме”, определяет ценность работы. Проблемы выделения лингвокультурологических и прагматических особенностей переводов антропонимов и топонимов в тексте “Бабурнаме”, а также их адекватного перевода на английский язык являются одной из актуальных проблем в области переводоведения.

В процессе развития мировой литературы “Бабурнаме” является своеобразным историческим документом и наследием, имеющим важное значение. В нем подробно описывается политическая ситуация в Средней Азии, Афганистане и северной Индии в конце XV – начале XVI века. Установление лингвокультурологических, прагматических особенностей переводов антропонимов и топонимов в тексте “Бабурнаме”, критериев их перевода имеет важное значение. Заслуживает внимание научное обоснование вклада Бабура и бабуридов в мировую литературу и историю, исследования во всех аспектах перевода текста “Бабурнаме”.

В период масштабных реформ, проводимых сегодня в нашей республике, литература и духовность являются одним из вопросов на уровне государственной политики. В то время, когда взаимодействие со странами мира в различных сферах становится все более эффективным, изучение художественной литературы и перевода, которое является одним из критериев, определяющих облик каждой нации, является важным критерием в расширении знаний, связанных с образом жизни, духовными ценностями,

духовностью данной нации. Содействие научно-исследовательской работе и совершенствование инновационной деятельности, определенные в качестве приоритетного направления в Государственной программе стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹, являются дополнительными возможностями для дальнейшего расширения сферы научных исследований в области литературоведения и перевода. Эти стратегические задачи также требуют углубленных исследований в области литературоведения и переводоведения.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан “О создании комиссии по развитию системы публикации и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде книжной культуры” от 12 января 2017 года, № ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года, № ПП-2995 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников” от 24 мая 2017 года, № ПП-3074 “Об организации Центра исследования иностранных культурных ценностей, относящихся к Узбекистану, при Кабинете Министров Республики Узбекистан” от 20 июня 2017 года, № ПП-610 “О мерах по дальнейшему повышению качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях” от 11 августа 2017 года, № ПП-5117 “О мерах по продвижению на новый этап деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан” и других административно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техникнологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики. “Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства и пути их реализации”.

